

ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ АҲОЛИСИНинг НИКОҲ ТЎЙИ БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТЛАРИ

Сайдамов Шахзод Арслон ўғли

Жиззах ДПУ Талабаси

Қобилов Сардор Иҳтиёр ўғли

Жиззах ДПУ Талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7229511>

Аннотация. Уибу мақолада Жиззах воҳаси аҳолисининг никоҳ тўйи билан боғлиқ урф-одатлари, анъаналари ва маросимларида қадимги диний эътиқодларнинг сақланиб қолганлиги ва исломий урф-одатларнинг модернизациялашуви хусусида фикр юритилади.

Калим сўзлар. Тарихий этнографик макон, урф-одат ва анъаналар, никоҳ тўйи, совчи, куёв навкар, келин салом, юз очди, чилла.

СВАДЕБНЫЕ ОБЫЧАИ ЖИТЕЛЕЙ ДЖИЗАКСКОГО ОАЗИСА

Аннотация. В данной статье рассматривается сохранение древних религиозных верований и модернизация исламских традиций в обычаях, традициях и обрядах жителей Джиззакского оазиса.

Ключевые слова. Историческое этнографическое место, обычаи и традиции, свадьба, жених, жених, жених, приветствие невесты, открытое лицо, холодок.

WEDDING CUSTOMS OF THE INHABITANTS OF JIZZAKH OASIS

Abstract. This article reflects on the preservation of ancient religious beliefs and the modernization of Islamic traditions in the customs, traditions and ceremonies of the residents of Jizzakh oasis.

Keywords. Historical ethnographic place, customs and traditions, wedding, suitor, groom, bride greeting, face opened, chill.

КИРИШ

Ўзбек ҳалқи қадимий расм - русумлари, дунёқараши, ишонч эътиқодлари, турмуш тарзи, асрлар бўйи жамлаган ҳаётий тажрибалари ва кўнижмаларини ўзида мужассамлаштирган энг жозибали маросимларидан бири - никоҳ тўйидир. Жиззах воҳасининг қадимий эътиқодлари, маданият тарихи, орзу - умидлари, ҳаётга муносабатини ўрганишда никоҳ тўйи билан боғлиқ маросимлар муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекларда азалдан энг яхши кунларидан бири бу тўй ўтказиладиган кунлар ҳисобланган. Тўй оила ҳаётидаги қувончли маросим саналади ҳамда ҳалқнинг ўзига хос турмуш тарзини ўзида акс эттиради. Ушбу маросимни дунёдаги ҳалқлар ўз урф-одатларига мос тарзда нишонлайдилар. Жумладан, ўзбек тўйларининг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, у қариндош - уруғлар, қўни-қўшнилар, умуман, кенг жамоатчилик иштирокида ўтказилиши билан ажralиб туради. Шунинг учун ҳалқ орасида «Маслаҳатли тўй тарқамас» деган мақол мавжуд!

Ўзбек тўйлари ташкил этилиши, мазмун-моҳияти, ўз мақсади ва вазифаларига қўра бир қанча турларга бўлинади. Уларнинг ҳар бирини илмий ўрганиш ва таҳлил этиш алоҳида тадқиқотни талаб этади.

“Никоҳ” сўзининг ўзбек тилида икки хил лугавий маъноси бор. Никоҳ (араб. – یلانيش, эр-хотиннинг қовушиши) – эр-хотинликни шариат йўли билан расмийлаштириш маросими ва шу маросимда домулла (Имом) томонидан ўқиладиган шартнома[7. 2006, 38

б]. Яъни, эркак ва аёл турмуш куришининг исломга хос диний шакли бўлиб, шариатда оиласи муносабатларни тартибга солади ва никоҳга, биринчи навбатда, икки томоннинг мажбурияти ва хуқуқларига асосланган шартнома сифатида қарайди[1. 1987, 139-140 б]. Ҳозирги вақтда никоҳ икки хил – дунёвий ва диний мазмунга эга. Дунёвий маъносига кўра, никоҳ – эр-хотиннинг ўзаро розилиги билан хуқукий жиҳатдан расмийлаштирилган оиласи иттифоки; эр-хотинлик[7. 2006, 38 б]. Бошқача қилиб айтганда, дунёвий мазмунда никоҳ турмуш кураётган эркак ва аёлнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида (ФХДЁ) рўйхатдан ўтишини англатади.

МЕТОД ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Оила сўзининг ўзбек тилида беш хил луғавий маъноси бор. Оила – эр- хотин, уларнинг болалари ва энг яқин туғишганларидан иборат бирга яшовчи кишилар мажмуи; хонадон[7. 2006, 97 б]. Унинг бошқа маънолари бир-бирига яқин бўлиб, умумий маънода бирлашган кишилар, халқ, мамлакатлар ёки ўсимлик ва ҳайвонларда гуруҳларни, қардош тиллар гурухини айтиш мумкин. Ундан ташқари, луғатда оила сўзлашув тилида рафиқа, хотин маъноларини ҳам англатади[7. 2006, 97 б]. “Ислом” энциклопедиясида[2. 2003, 313 б] никоҳдан фарқли ўлароқ оила тушунчаси ҳақида маълумот берилмаган. Умуман олганда, оила – никоҳга ёки туғишганликка асосланган кичик гуруҳ бўлиб, у қадимдан халқимизда алоҳида маросим сифатида ўтказдириб келинган. Яъни, икки ёшни никоҳдан ўтиб, оила қурганликлари элга билдириш мақсадида ош дамланиб, қариндош уруғлар жамоаси ва қўни-қўшнилар йигилишган.

Юртимиздаги кўплаб бошқа этнографик минтақалар сингари Жizzах воҳаси аҳолисининг никоҳ тўйлари ўзининг турли маросимлар, анъаналарга бойлиги, этнографик манбаларининг ранг - баранглиги билан алоҳида ажralиб туради. Жizzах воҳаси ўзбеклари никоҳ тўйлари оиласи турмуш ва маънавий маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, унинг иштирокчилари томонидан азалдан мураккаб урф - одатлар ва удумлар бажарилган.

Оилада фарзанд туғилганда ота-она унинг келажаги учун қайғура бошлаган. Фарзанди катта бўлиб уни уйлантириши ёки турмушга чиқаришини ҳисобга олиб олдиндан тайёргарлик қўриб борган. Шу мақсадда ота-она нимаики яхши нарсани топса ўшани сандиққа солиб қўйган. Сандиққа фарзандининг тўйига аatab янги қошиқ, товок, рўмол, белқарс, офтоба ва шунга ўхшаш нарсаларни қўйиб борган. Қизлар учун чақалоқлигидан рапида (нон ёпгич), сурпа, енгча ва шу сингариларни йигиб сандиққа солиб қўйган.

Азалдан келин-куёв танлаш ота-онанинг вазифаси ҳисобланган. Йигит ва қизнинг кўнглига қаралмаган. Аввал бўлғуси келин танланган. Бунда ёшларнинг юлдузи тўғри келиш-келмаслиги, қизнинг насл-насаби суриштирилади. Қиз топилгач, унинг уйига совчиликка борилади.

Совчилик ўзбек халқининг энг гўзал анъаналаридан биридир. Никоҳ тўйи тантаналарини бошлаб берувчи дастлабки маросим совчилик ҳисобланади. Совчилар тўғрисидаги илк маълумотларни VII - VIII асрларга оид Ўрхун - энасой битикларида учратамиз. Тунюқуқ (VII аср) битиктошида “сов” - калимаси саб - сўз, гап маъносида ишлатилган. Ирқ битиги (фол китоби) да эса “саб” - сўз, “сабчи” - хабарчи, сўз келтирувчи маъносида қўлланилган. Ўрта асрлар машҳур тилшуноси Маҳмуд Қошғарий бу хусусда “совчи - келин ва куёв орасида бир - бирига хабар элтувчи” деб изоҳлаган[4. 1960, 169 б].

Демак , бундан янги амин бўламиз. Жиззах воҳасида аввал совчиликка эркаклар келишган . Одат бўйича совчиликка йигитнинг отаси боради. Агар ота оламдан ўтган бўлса, энг яқин кишиси юборилади. Совчиликка аёллар бориши мумкин бўлмаган. Оила яқинларидан совчиликка муносиб одам бўлмаган ҳолда бу вазифани уруғ оқсоқоллари бажаришган. Совчилар таклифига биноан қизнинг ота-онаси ҳам бирданига аниқ жавоб айтмасдан, маслаҳатлашиб қўрайлик, деганлар. Орада йигитнинг насл-насаби, юриштуриши, хунари, соғлиги суриштирилади. Розилик берилмаса, қайта келган совчилар қайтиб кетадилар. Розилик бўлса, совчиликка аёллар қиз уйига келиб, розилигини олгандан сўнг, унинг бошига “оқ ўраб” (рамзий маъно шаклида оқ рўмолча) кетишган ва шундан сўнг дастлабки маросим “Фотиха тўйи” бўлиб ўтган.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ

Фотиха тўйи маросими республикамизнинг бошқа ҳудудлардаги каби шаклда ўtkazilsada ammo, undagi baxzi bir odatlarda Жиззах воҳасига хосликни учратish mumkin. Masalan, kуёв тарафидan келин xонадoniga kelgan meҳmonlар (кудалар) ga dastlab “ширин сув” olib kelingan. Bu odatning tag mazmuниda ҳар ikki томон boшlagan эзгу iшnинг якуни ҳам xuddi shirin sув каби ўtsin, ёшлар turmuши shirin, totli bўlsin, degan эзгу nияtlar ёtadi. Aйниқса, woҳa aҳolisi orasida ҳozirgi кунларгача saқlaniб қолgan fotixa tўyi билан boғliқ otatlardan biри shu kundan boшlab, bўlғusi kelin - kуёвлар бир - бирларининг ота-оналари, oила-aъzolari ҳамda яқин қариндошларига дуч keliб қолmaslikka urinib, ulardan ўzlarinini tortib юрадилар.

Тўй маросимларида кекса ёшли, kўп фарзандli кишилар iштироки зарур va ўta muхим xисобланган. Улар tўy маросiminинг maъlum bosқичlariда ўziga хос функцияларни бажарганлар. Bиз buни bўlғusi kelin sepinini tайёрлаш жараёнидан boшlab kuzatiшимiz mumkin. Odatda, bўlғusi kelin - kуёвларning kўrpa-tўshaklarini tikiш, яъni “kўrpa soldi” маросимида bichiш - tikiш iшlari kексa aёllar томонидan boшlab berilgan. Marosim oлдидан onahonlаримиз kelin - kуёvnинг bir - biriiga oшиқ bўлиб юрсин degan nияt билан dastlabki kўrpalari burchagiga oшиқ (kўy oshifi) solib tikadilar. Bunda нуроний, kўп фарзандli aёllar xislatlari bўlғusi kelin - kуёvga ҳam ўtsin, – degan ijobiy nияtlar мужассамлашган.

Nikoҳ kуни keчки pait kуёv ўz дўstlari билан ясан - tusan қилиб, kутловlar oстида tўykhonadagi oқsoқollar duosi - fotixalari olib, kelin uйiga “kуёvnavkar” ga boradilar. Kuёvnavkarlar йўл bўyi kуёv kelin xonadoniga boraётganligini bildiriш учун жўшиб - жўшиб, ustma - ust xайқириб ёр-ёр aйтиб, жар solib borgانlар. Kuёvnavkarlar kelin xonadoniga etib kelgancharidan sўnг maxsus tайёрlab қўйилган xonaga kирганlар. Uй ostonasiga пояндоз (oқ рангли мато va ipak mato) solinadi. Kuёv пояндозни bosiб ichkariga kirganiдан sўnг, uning dўstlari shunday kуёvlik бизга ҳam насиб etsin, – degan nияtda kуёvnинг oёfi tekkan пояндозни kelin va kуёv томондан жамланган йигитlar ўzaro tortishiб, parchalab oladilar. Bиз bunda пояндозning ўziga хос muқaddaslik хоссасини kўramiz. Kuёvnavkarlar dasturxoniga turli nоз neъmatlар билан birga bўlғusi oila serfarzand bўlsin degan nияtda tuхum қўйiladi va shu билан birga tўkqizta lagan (tovoқ)da taomlar kiritiladi. Bular жумласига aloҳida kуёv учун қайнona tovoқ, янга tovoқ, taniшuv tovoқ va shu kabilar kiraди. Улар dasturxon atrofida ўtiрганlariдан sўnг xonadon kексa kишиси duoi fotixa қiladi. Shundan sўnг kуёvga atalgan shirinchойни kelinни янгаси olib kirgan va uni dastlab kуёvga berган (Bu

жараёнда ҳам ўзига хослик шундан иборатки, куёв бас демагунча келинни янгаси чойни қайтаравериши лозим бўлган), сўнgra унинг дўстлари ўз хаётлари ширин, тотли бўлсин, деган ниятда ичганлар. Куёвнавкарлар дастурхон атрофида ўтирган пайтда мезбонлардан бири куёвни ёмон кўздан, ёвуз рухлардан ҳимоя қилиш мақсадида исириқ тутатади. Ўз навбатида куёв ва унинг шериклари миннатдорчилик рамзи сифатида исириқчига пул берганлар. Куёвнинг дўстларига зиёфатдан сўнг дастрўмолча ёки белбог тарқатилади.

Никоҳ тўйи куни кечга яқин аёлларнинг ўзига хос “карвони” билан куёв хонадонига олиб келинади. “келин карвони” олдида албатта кичик ёшли ўғил боланинг бўлиши ва келиннинг бутун тана қисми кийимда ёки паранжи билан тўсилган бўлиши талаб этилган. Келинни олиб келаётгандар куёв уйи олдига яқинлашгач дарвоза олдида катта олов ёқилаган қандай зиён-заҳмат, суқ ва кирналар, одамларнинг юки оловда ёниб кетсин, уйга тозаланиб кирсан деган мазмунда қайнона келинни икки гулхан ўртасидан олиб кирган. Ўзбекистоннинг айрим ҳудудларида эса, келинни кўтариб оловнинг атрофидан уч марта олиб ўтказишган. Оловдан олиб утилгандан сунг куёвнинг янгалари патнисда ризқи бутун бўлсин деб нон, тили ширин бўлсин деб ширинликлар, тўйлар қилсин деб кийимлик мато олиб чиқилади. Шундан сўнг “келин карвони”га қиз томондан ҳамроҳлик қилиб келган келиннинг кичик ёшли ўғил укаси ёки жияни томонидан “соат пули” талаб қилинган. Сўнgra келин олов атрофида уч марта айлантирилиб ичкарига олиб кирилган. Бундай одат Жиззах воҳасидагина эмас, Республиkaning бошқа миңтақаларида яшовчи ўзбеклар, қолаверса тожик, қирғиз ва туркманлар орасида ҳам кенг тарқалган[6. 1999].

МУҲОКАМА

Келин куёвнинг уйига олиб кирилгач, қудалар тарафидан биттадан янгалар уйнинг ўнг тарафи юкори бурчагида чимилдиқ боғлаганлар. Чимилдиқ келинни ёвуз кучлар ва ёмон кўзлардан асрорчи ўзига хос афсунгарлик воситаси бўлган. Чимилдиқ айнан шу сабабга кўра келинни рамзий ҳимоя қилиш функциясини бажарган. Қолаверса, янги туғилган чақалоқ учун бешик сингари чимилдиқ ҳам келин - куёвларнинг янги уйи, дунёси ҳисобланган. Шу боис, Жиззах воҳасида келин - куёвнинг чимилдигига тахта қошиқ осиб қўйиш одати бўлган. Дарвоқе, воҳада чимилдиқни боғлаган янгаларининг ўзлари ҳам келин - куёвга таҳдид солиши мумкин деб тасаввур қилинган ёвуз кучлар ва инс жинслардан уларни ҳимоя қилувчи рамзий ҳомий ҳисоблаганлар. Шу сабабга кўра тўйнинг бошидан охиригача янгалар зиммасига юклangan вазифалар жуда кўп бўлган. Жиззах воҳасида янгаларни янга, чеча, келинойи, ойи деб номлашган. Янгаларни танлашда маълум бир тартиб - қоидаларга амал қилинган. Янгалар одатда, нафақат бир никоҳли, серферзанд шу билан бирга уддабурон, чечан, сўзамол, ҳаёт тажрибаларига бой бўлишлари асосий шартлардан ҳисобланган. Бўлажак келинни никоҳга янгалар тайёрлаганлар, дастлабки танишувда куёв ва куёвнавкарлар билан ҳам янгалар муомила қилганлар.

Соч сийпатар, кўл ушлатар, ойна кўрсатар, никоҳ сувини ичириш одатларини ҳам бугунги қунгача янгалар амалга ошириб келмоқдалар. Бунинг сабаби, фольклоршунос олим А.Мусақуловнинг таъкидлашича, янга рухлар билан янги дунё ўртасида шомонга яқин киши ҳисобланган.

Бошқа ижтимоий гурухга ўтиш ғояси келинни янги фаолиятга тайёрлаш билан боғлиқ “супра очди”, “эшик илув”, “туйнук очар” каби урф - одатларда ҳам намоён

бўлган. Бунда келининнинг рўзғор ишларига нечоғлик тайёр эканлиги, унинг уқувлилиги, ишчанлиги, эпчиллиги, таом тайёрлаши каби фазилатлари синовдан ўтказилган. Тўйда келин - куёвнинг янги ижтимоий мақомга (Масалан, “қиз бола” - “келин”, “хотин”, “йигит” - “куёв”, “эр йигит”, “эркак”) ўтганлигидан қадимги жинс жамоаларига тегишли ёш инициатияси қолдигини кўриш мумкин.

Ахборотчиларимиз маълумотларига кўра, никоҳ ўқилаётган пайтда ўртага дастурхон ёзилиб бир косада сув қўйилади. Никоҳдан сўнг келин - куёв косадаги сувдан бир хўпламдан ичиб бошқаларга ҳам берадилар. Ўртага дастурхон ёзиш, сув қўйишнинг сабабини[5. 2007, 28 б] сўраганимизда, ёшларнинг умри, турмуши ҳамиша тўқлик, тўкинлик, ва сувдай мусаффо ва ширин ўтиши учун шундай қилинишлiği ҳақида маълумот олдик. Дарвоке, бу ўринда шуни ҳам эсга олиш жоизки, никоҳ маросимида келин - куёв олдига сув қўйиш одати воҳа халқлари ва мусулмон аҳолиси орасидагина эмас, балқи эътиқоди турлича халқларда ҳам кенг тарқалган. Бу борада илмий адабиётлар[3. 1929, 182 б] да ҳам маълумотлар келтирилган. Тадқиқотчилар бу одатни ёшларни бирлаштиришнинг рамзий акти, сифатида талқин қиласидилар.

Бундан ташқари, Жizzах воҳаси ўзбекларида никоҳ ўқилаётган пайтда уйдаги кулфлар беркитилган ҳолда бўлиши лозим бўлган ва бу вақтда иштирокчилар қўлни қовуштириб “кулфъ қилиб ўтириши эса қатъян тақиқланган. Сабаби, бу каби таъкиқланган ҳолатларга эътибор берилмаган тақдирда икки ёш жинсий қовуша олмасликлари кузатилган.

Никоҳ тўйидан сўнг ўтказиладиган маросимлар ҳам тўйгача бажарилган урф-одатлар каби мазмунан бой ва турли хилда бўлиши воҳа ўзбекларининг тарихи ва маънавияти юксаклигидан гувоҳлик беради.

Никоҳнинг эртаси куни, яъни келин куёв хонадонига тунтириб келингач, «Келин кўрсатар», «Бет очар», «Юз очар», «Келин салом», «Лачак кийдириш» ва «Куёв салом» каби расм-руслар бажарилади. Бу удумлар аёллар томонидан амалга оширилади. Эркаклар бу маросимларда иштирок этишмайди. Ушбу маросим Республикализнинг бошқа ҳудудларида ҳам кенг тарқалган бўлиб, «Юз очди», «коз кўрсатар», «Бет очар» номлари билан аталади. «Бет очари Ўрта Осиёда яшовчи бошқа қардош халқларда ҳам никоҳ тўйидан кейинги удум сифатида мавжуддир. Ушбу кун келиннинг онаси бошчилигига келин томон аёллари куёв уйига “Юз очди” (Келин салом) маросимига келганлар . Мазкур удум ўтказилганда куёвнинг онаси, опа-сингиллари ва янгалари алоҳида ҳозирлик кўрадилар. Дастрлаб ёши кекса, серфарзанд момо томонидан келинга ўзига хос дид билан тикилган келинлик либослари кийдирилади. «Юз очар» маросимига келин-куёвнинг энг яқин қариндошлари, қўни-қўшнилар ва маҳалла аҳли совға-кўрмана»лар олиб келишиб, келинга ҳадя қилинган.

Бу маросим Жizzах воҳасида “Бет очар”, “Юз очар” каби номлар билан юритилади. Бу маросимда келин янгалар ёрдамида юзига оқ рўмол ташлаган ҳолда йиғилганлар хузурига бошлаб чиқилган. Шундан сўнг хонадоннинг ёш ўғил боласи томонидан хонадон ўқлоғи (ўқлов) билан келиннинг юзидаги рўмоли очилган ва узокроқ жойга олиб қочилган.

Жizzах воҳасида никоҳ тўйидан сўнг ўтказиладиган “бет очар” маросимида “супра очди” одати бажарилган. Бу одат Жizzах воҳасининг барча ҳудудлари бўйлаб кенг тарқалган. Бу тадбир иштирокчилари даврасига супра ёзиб бир товоқ ун солинади.

Қайнона супрага ундан бир ҳовуч олиб, келиннинг қўлига тўқади. Келин эса унни супрага тўқади. Бу ҳол уч марта тақрорланади. Ўзбекларда ун оқлик, ёруғлик ҳисобланганлиги сабабли ҳам ушбу ҳаракат амалга оширилади. Сўнг супра устида келин тахтачада мойли гўшт тўғратилади. Бунинг сабаби, қўли доим мойли бўлсин деган мақсад назарда тутилган. Демак, “супра очди” удуми эзгу умид билан келин - куёвнинг ҳаёти ёрқин бўлсин, улар мўл кўлчилиқда рўзғор тутсинглар деган ниятда ўтказилган.

Жиззах воҳасида ҳам минтақадаги қатор бошқа ҳалқлардаги сингари ёш келин - куёвнинг дастлабки қирқ кунлик ҳаёти “чилла” даври ҳисобланади. Бу даврда ёшларни ёвуз кучлардан асрар мақсадида хонадон чироги ўчирилмайди. Чилла даврида келин ҳам, қуёв ҳам ниҳоятда пок, тоза, софдил, оқ кўнгил, бир - бирига ва атрофдагиларга ўта меҳрибон бўлишлари талаб қилинган. Чунки, шу кунлари улар нималарни одат қилсалар, то умрининг охиригача шундай бўлиши мумкин, деган тасаввур кенг ёйилган. Мазкур давр мобайнида келин - қуёв шомдан сўнг кўчага чиқмаслиги, ёлғиз юрмасликлари қатъий белгиланган.

Воҳа ўзбекларининг анъанавий никоҳ тўйи маросимларида ранглар рамзига ҳам алоҳида эътибор берилган. Маросимлардаги оқлик (оқ ранг) ёшлар бўлғуси ҳаёти тимсоли ҳисобланган. Шу боис келиннинг уйига совчиликка боргандарга ҳам оқлик берилган. Келиннинг никоҳ либоси ҳам оқ рангда бўлган. Оқ рангнинг рамзий маъносини тўйдан сўнг келинни хонадон супрасига ўтқизиб, ун ва ёққа қўлининг теккизилишида ҳам кўриш мумкин.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни қайд этиш зарурки суннат ва никоҳ тўйи ҳам Жиззах воҳасида жамоа аъзолари ўртасидаги ўзаро ижтимоий муносабатларни такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этганлигини кўрсатди. Чунки, маросимлар ўз ташкилий жиҳатлари ва ўтқизилишига кўра молиявий жиҳатидан анча сарф харажатни ҳамда маълум жисмоний меҳнат, куч ва уюшқоқликни талаб этган. Зеро, оила ва никоҳ муносабатлари муайян икки оила ўртасида таркиб топсада, кишилар ўртасидаги ўзаро ижтимоий муносабатларини юзага чиқарувчи бирламчи бўғин сифатида қаралган. Жамоавий анъаналар, яъни қўни-қўшничилик алоқалари оиласидан маросимларни бошқаришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бундай алоқаларнинг таркиб топиши, тўй билан боғлиқ юмушларни бажаришда тўй эгасига анчагина енгиллик туғдирган. Қариндошлар, уруг-жамоа аъзолари ўз фаолиятларини биргалиқда фикр алманиб, маслаҳат орқали бажараганлар, бу

жамоа оқсоқоллари томонидан назорат қилиб турилган.

Умуман олганда, Жиззах воҳаси ўзбекларининг анъанавий никоҳ тўйи маросимлари қадимий урф- одат ва маросимлар мажмуидан ташкил топган бўлиб, уларнинг аксарияти исломий анъаналар билан ўзаро уйғунлашган, қоришган ҳолда бугунги кунга қадар давом этиб келмоқда. Айнан мазкур маросимлар ва одатлар яшовчанлигининг энг асосий сабаби, уларнинг асосий мазмун моҳияти ва энг юксак мақсади келажак авлод давомийлигини таъминлашга қаратилганлиги билан характерлидир.

REFERENCES

1. Ислом. Справочник / Усмонов М.А. таҳрири остида – Т., 1987. 2-нашри. – Б. 139-140.
2. Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ / З. Ҳусниддинов таҳр. ост. – Т., 2003. – Б. 313.
3. Кагаров Е.Г. Состав и происхождение свадебного обряда//Труды АЭЛ 1929. Т. VIII. - С. 182.
4. Махмуд Қошғарий. Девону лугатитурк. - Т., 1960.Т. 3- Б .169
5. Мусакулов А. Маросимларда янганинг ўрни ҳақида// “Ўзбек маросим фолкъорини ўрганишнинг янгича тамойиллари”. Республика илмий-назарий конференция материаллари. Навоий, 2007. 28 б.
6. Рахимов Р.Р. Традиционное мировоззрение таджиков, проблемы образов и символов в культуре: Автореф. дис. ... д-ра ист. наук. СПб., 1999.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмалари. Ж. III. Н – Тартибли / Таҳрир ҳайъати: т., Мирзаев (рахбар) ва бошқ. – Т., 2006. – Б. 38.